



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 31 (10.588)

Баҳоси эркин нархда

2006 йил, 15 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимизга ташиф буюрган Россия Федерацияси Федерал мажлиси Давлат думаси раҳбари Б.Гризлов раҳбарлигидаги делегация кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов ҳамкорлигида Сенатда бўлди.

● Россия Федерацияси Федерал мажлиси Давлат думаси раиси Борис Гризлов кеча Қонунчилик палатаси депутатлари олдида сўзга чиқиб мамлакатларимиз ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларига юқори баҳо берди, депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

● Республика Хотин-қизлар кўмитасида нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида гендер масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Ёш пианиночиларнинг Эстониянинг Нарва шаҳрида низоҳасига етган Ф.Шопен номидаги халқаро танловида Ўзбекистон номидан қатнашган ўн ёшли Нодира Дадамўхамедова фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди.

● Республика мудофаа тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада кучайтириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ЕИХ Марказий кенгаши, Ёзувчилар уюшмаси раҳбарлари, ҳарбий қисмларнинг бошлиқлари ва офицерлар иштирок этишди.

● Янгийўл шаҳар академик лицейида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 523 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча ўтказилди.

● Самарқандда аёллар ўртасида мини-футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати иккинчи тур ўйинлари якунланди.

● Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида Ўртачирчиқ туман хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда тумандаги 73 та умумтаълим мактаби, 2 та касб-хунар коллежида ўқиётган 6124 нафар кизларни тиббий кўрикдан ўтказди.

● Қамаш туманидаги Чим қишлоғида янги асфальт-бетон заводи қуриб, фойдаланишга топширилди. Япония ҳукумати гранти ҳисобига қад ростлаган янги саноат объекти соатида 30 тонна асфальт ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бу ерда барча жараёнлар механизациялашган бўлиб, операторлар маҳсулот давлат стандарти талабларига жавоб бериши учун асфальт таркибини текшириб борадилар.

ЖАҲОНДА

● Россия Президенти Владимир Путин «қатта саккизлик» аъзоларининг молия вазирлари билан бўлиб ўтган учрашувда дунёдаги қамбағал мамлакатлар билан бирга МДХ ҳудудидаги ривожланган давлатларга ҳам молиявий ёрдам бериш лозимлигини таъкидлади.

● Кеча Байрутдаги марказий майдонда тўпланган 500 мингдан ортиқ киши Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Харирийнинг хотирасини ёдга олишди.

● Эроннинг урани саноат даражасида тўйинтириш тўғрисидаги қарори БМТ Хавфсизлик кенгаши томонидан мамлакатга нисбатан қоралар қўллашга мажбур қилиш хавфини оширади, дея хабар беради Россиянинг «Новости» ахборот маҳкамаси.

● АКШнинг Калифорния штатида давом этаётган шиддатли ўрмон ёнғинлари Лос-Анжелесдаги Малибу шаҳрига яқинлашиб қолди. Ўт ўчирувчилар маҳсулоти вертолётлардан фойдаланган ҳолда кучли ёнғинни жиловлашга ҳаракат қилмоқдалар.

● Москвадаги «Пресса» ноширлик уйида чиққан ёнғин оқибатида бир кишининг ҳаётдан кўз юмганлиги маълум бўлди. Аниқланишича, у «Комсомольская правда» газетасининг буюфетчиси экан.

● Ироқда немис муҳандисларини гаровга олган жангарилар Германия ҳукуматида янги шарт қўйди. Улар Германиядан Бағдоддаги ўз элчихонасини ёпишни ва Ироқнинг амалдаги ҳукумати билан барча алоқаларни тўхтатишни талаб қилмоқда. Мабоодо расмий Берлин жангариларнинг талабини бажармаса, гаровдагиларнинг қатл этилиши таъкидланди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 16 февраль кунги Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 2-7 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7, кундузи 17-19 даража иссиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори

2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим ўстувор йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2005 йил мамлакатда демократик янгилаш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиётида 2005 йилда қуйидаги сифат билан белгиленди.

Биринчидан, барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогноз параметрларга эришилди, уларнинг кўллари бўйича эса анча ошириб бажариш таъминланди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7 фоизни, инфляция даражаси 7,8 фоизни ташкил этди, саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,2 фоизга ўсди. Давлат бюджетни қўллаётган 1 фоиз тақчиллик ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан ижро этилди.

Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг асосий манбалари қўлай таъшиқ омиллари ҳамда углеводород хом ашё ва ресурсларга жаҳон нархлари эмас, балки биринчи навбатда бозор ислохотлари ва мамлакатни модернизация

қилишнинг пухта ўйланган модели ва узоқ муддатли дастури натижалари бўлганили ўзига эътиборни жалб этади.

Иккинчидан, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг макроиқтисодий баланслигини, умуман иқтисодий ўсишнинг локмотивларига айланиши, демографик ҳусусиятлар, иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларининг кўпайиши ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиши лозим бўлган соҳалар, тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган иқтисодиётни тизимли ва изчил равишда таркибий янгилаш юз бермоқда.

Ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 2005 йилда 2002 йилдаги 14 фоиз ўрнига 20,7 фоизгача ўсди, хизматлар соҳаси улуши 38,5 фоиздан ортиқ бўлди. Беш йил мобайнида коммуникациялар, транспорт ва алоқа тармоқларининг улуши бир ярим баравар ўсди.

2005 йилда маҳсулот экспорти ҳажмининг 11,5 фоизга ўсиши амалга оширилаётган ислохотларнинг ва иқтисодиётни модернизация қилишда эришилган ютуқларнинг муҳим натижаси бўлди, бунда экспорт ҳажмининг ярмидан кўпроги тайёр маҳсулотлар ва хизматлар улушига тўғри келди. Та-

шқи савдо балансида мустақиллик йилларидаги энг юқори — 1,3 млрд АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги ижобий сальдога эришилди, олтин-валюта захиралари 1,3 баравар кўпайди.

Учинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида кенгайтириш ва чуқурлаштириш таъминланди. Солиқ юкини енгиллаштириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида жамланган бюджетга фискаль олиб қўйишлар 2000 йилдаги 37,1 фоиздан 2005 йилда 32,2 фоизгача, давлат бюджетига олиб қўйиш эса 22,6 фоизгача қисқарди.

Тўртинчидан, 2005 йилда моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотни сотиш тизимини эркинлаштириш йўлида ҳал қилувчи қадам қўйилди. Тадбиркорларнинг, энг аввало кичик бизнес субъектларининг юқори ликвидли моддий ресурслар олишнинг барқарор бозор механизми шакллантирилди. Биржа савдоси улуши улгурчи товар айланмаси умумий ҳажмининг 2000 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига унинг учдан бир қисmini ташкил этмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик



ИМКОНИЯТЛАРДАН УМУМИ ФОЙДАЛАНИБ

**САҲНАДА РАҚҚОСА ХИРОМ
ЭТМОҚДА. УНИНГ НОЗИК ҚОМАТИГА
ЯРАШГАН, ЯНГРАЁТГАН КУЙ ВА
ҚЎШИҚ ОҲАНГИГА МОС НАФИС ВА
ЧИРОЙЛИ ЛИБОСЛАРИ
ТОМОШАБИННИ МАФТУН ЭТАДИ.**

Албатта, мана шундай либослар яратиш учун ҳам изланиш, маҳорат, сабр-бардод зарур. 2003 йилда ўзи ташкил этган «Зузу» хусусий корхонасига ана шу фазилатларга эга бўлган чеварларни жамлаган Салимова Қодирова 12 та хотин-қизни иш билан таъминлади. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил олган ишбилармон аёл юртимизда тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланар экан, ўз мақсади йўлида меҳнатдан асло толмайди.

— Мамлакатимиздаги турли ансамбллар, рақс дасталари, болалар гуруҳлари, театр жамоалари, мактаб ва болалар боғчалари, спорт тўғрақлари, энг таниқли санъаткорлар билан ҳамкорликда иш юритамиз ва улар фирмамизнинг асосий буюртмачилари ҳисобланади, — дейди Салимова Қодирова. — Барчамизга маълум, санъатни эл севди, санъаткорнинг томошабин олдидаги чиқишида, албатта либосининг қандайлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Бу унинг дидактидан, ўз муҳлисига ҳурматидан, уларга ўзгача завқ бағишлашга интилаётганидан далолатдир. Шу боис ҳам дизайн ва тикувчиларимиз буюртмани бажарар эканлар, ана шу жиҳатларга эътибор қаратиб, бугунги зийрак томошабиннинг дид ва

талабидан келиб чиқади.

Ўтган йилларда жамоа ахли болалар рақс дасталари учун либослар яратди. Айниқса, уларнинг «Севиш» гуруҳи учун тиккан ҳар бир либоси меҳнат маҳоратини ёрқин акс эттирди. Буюртмалар асосида қўллаб дасталар учун 15 та қўшни давлатларнинг миллий кийимлари, чегара қўшнлари бадий дастасига тайёрланган кийимлар, саҳналар учун замонавий ва миллий услублардаги пардалар миқдорларни мамнун этмоқда, санъат ихлосмандларига яхши қайғибат бағишламоқда.

Хусусий корхонадаги тажрибали чеварлар келгусида ўз ўринларини ёшлар эгаллашга алоҳида аҳамият қаратиб, уларни маҳорат сирларидан воқиф этишмоқда. Бичкичи дизайнер, 30 йиллик тажрибага эга Насиба Қосимова, чеварлар Гулҳебра Собитова, Муҳаббат Махмудова, Ҳикоят Ҳакимовалар эскизлардан фойдаланиб, янги либос турларини миқдорларга тақлиф этишмоқда. Шунинг айтиб ўтиш лозимки, тадбиркорларнинг саноат-харақатлари боис ҳар чоракда 1,5 миллион сўмликдан зиёд иш бажарилмоқда.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожини учун қаратилган жуда катта эътиборни Президентимизнинг ўтган йилдаги қатор Фармон ва Қарорлари яққол исботлаб турибди, — дей-

ди Салима Қодирова. — Ана шу имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиш, албатта ўзимизга боғлиқ. Шу боис мен ҳам келгусида фирмани кенгайтириш ниятидаман. Айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, хунар ўрганишлари учун шарт-шароитларни қўзда тутганман. Шунинг баробарида миқдорларимиз сафини ҳам кенгайтириб борамиз. Бу, албатта эътибор қаратади; буюртмаларни вақтида бажаришимиз аъзазига бўлади.

Хозирда тадбиркорлар анаъанавий тарзда ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танловида иштирок этиш учун қизгин ҳозирлик қўришмоқда. Ушбу танловда улар ўтган йил муваффақиятлари баробарида келгуси истиқболлари йўлидаги изланишларини ҳам намойиш этиш ниятида. Зеро яхши ният эзгу мақсадли кишиларга ҳаммиса муваффақият келтириши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: хусусий фирма раҳбари Салима Қодирова (чапда) ҳар битта буюртма сифатида алоҳида эътибор қаратади; Шахноза Қодирова эса устозлар ўғити асосида қамол топаётган чеварлар сирасидан.

Хусанбой Аввалов
олган суратлар

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**ФРАНЦИЯ
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ЖАК
ШИРАККА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
ФРАНЦИЯДАГИ ЭЛЧИСИ
РАВШАН АЛИМОВ
ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ
ТОПШИРДИ.**

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ж.Ширак икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ақин алоқалар аънавий эканини қайд этар экан, маданий гуманитар соҳадаги ҳамкорликка алоҳида ургу берди. Шунингдек, Франция Президенти икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлашга муҳим аҳамият қаратаётганини ва Ўзбекистонни Франциянинг Марказий Осиё минтақасидаги асосий ҳамкори сифатида қўришни таъкидлади.

Ж.Ширак Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга самимий саломини йўллаб, муваффақиятлар тилади.

БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИГА ЁРДАМ

**14 ФЕВРАЛЬ КУНИ
ТОШКЕНТДА
«ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
БОЛАЛАР
КУТУБХОНАСИНИНГ
АУДИОВИЗУАЛ
ЖИҲОЗЛАНИШИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»
ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА
АЛМАШУВ НОТАЛАРИНИ
ИМЗОЛАШ МАРОСИМИ
БЎЛИБ ЎТДИ.**

Лойиҳа доирасида Япония ҳукумати кутубхонага 28,6 миллион иена (240 минг АҚШ доллари) миқдоридан берадиган ёрдам ажратди.

Ушбу маблағ ҳисобига кутубхонада маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган аудиовизуал тақдирот жиҳозлари, кутубхона тўпламларидаги аудио ва видео тасмаларни рақамли форматга қўчириш ҳамда чет тилларини ўрганиш учун мўлжалланган техник ускуналар харид қилинади.

Хужжатларга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Қосимов ҳамда Япониянинг мамлакатимиздаги Факултетада ва мухтор элчиси Кусумото Юичи имзо қекди.

«Жаҳон» АА

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кўни**
Янгиликлар, воқеалар

**Қисқа
сатрларда**

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 200-мактабда **БУГУН** «Қамолот» ЕИХ туман бўлими Кенгаши қошидаги «Маҳалла умидлари» маркази ташаббуси билан «Оила — муқаддас Ватан» шиори остида «Қизлар — миллат келажаги» мавзусида ўтказилган кўрик-танловда «Наврўз», «Тинчлик», «Хай-робод» маҳаллалари қизлари беллашди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Фризонет» интернет ҳава-хонасида «Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамкорликларида тайёрланган «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида уюштирилган компьютер чемпионатида мактабларнинг 10-11 синфлар ўқувчилари иштирок этишди.

● **БУГУН** Амир Темур маҳалласида фаоллар ва ёшлар иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергейи туман бўлими ташаббуси билан «Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш — давр талаби» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги «Нур» мажмуасида ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирокида «Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамкорликларида тайёрланган «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида «Нима, қачон, қаерда?» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди.

● **ЎТГАН КУНИ** Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида бўлиб ўтган семинар ёшлар онгига Миллий истиклол госясини синдиришда диний ва миллий қадриятларнинг ўрни масалаларига бағишланди.

● **ЎТГАН КУНИ** Сергейи тиббиёт коллежида ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар иштирокида никоҳдан ўтаётган ёш келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбир Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги ҳамкорликларида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
муҳбирларимиз
хабарларидан.

ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР — ЎҚУВЧИЛАРГА

УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, УЛАРНИ ЗАРУР ЖИҲОЗЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ 2004-2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУМИЛЛИЙ ДАСТУРИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги бу борада Осиё тараққиёт банки, шунингдек, Жанубий Корея, Япония, Германия, Хитой каби давлатлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Бунинг натижаси ўлароқ, вазирликка Жану-

бий Кореянинг «Korea Telekom» компанияси томонидан юзта замонавий компьютер беғараз ёрдам сифатида тақдим этилди. Улар пойтахтимиздаги мактаблар ихтиёрига берилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори

2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни

чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари

тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бешинчидан, хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш томонга туб бурилиш амалга оширилди.

2000-2005 йиллар даврида 4660, шу жумладан 2005 йилда 902 корхона ва объект хусусий мулк қилиб сотилди.

2005 йилда кичик бизнес объектлари сони 31,5 мингтага кўпайди ва 310 мингтадан ортиқни ташкил этди, кичик тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38,2 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 65 фоизидан ортиғи ушбу соҳада ишламоқда. Янгидан ташкил этилган иш ўринларининг қарийб 85 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий тузилмаси сифатида фермер хўжаликлари қишлоқда жадал ривожлантирилди. Фермер хўжаликларида 1 миллиондан ортиқ киши ишламоқда, улар томонидан 2005 йилда пахта хом ашёсининг 66 фоизидан ортиғи, доннинг 55 фоизидан кўпроги етиштирилди.

Олтинчидан, давлат ва назорат қилувчи тузилмаларнинг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашшини кескин қисқартириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини жиддий равишда кенгайтириш таъминланди.

Ўтказилган текширишлар сони 2001 йилдагига қараганда 2,5 баравардан кўпроқ қисқарди. Илгари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган давлат статистика ҳисоботлари сони умуман олганда 2 баравар, ойлик ҳисобот бериш 5 баравар қисқарди. 12 та рухсат берувчи тартиб-қоидалар бекор қилинди, ҳисобот маълумотларининг ноқонуний талаб қилиниши учун жавобгарлик қучайтирилди.

Хўжалик судларининг фаолияти фаоллашди. 2001-2005 йилларда улар томонидан қўриб чиқилган ишлар сони 3,7 баравар, шу жумладан маъмурий қонун бўзилишлари тўғрисидаги ишлар бўйича - 4 баравардан ортиқ ўсди. Бунда қўриб чиқилган ишларнинг аксарияти тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига ҳал этилмоқда.

Еттинчидан, амалга оширилган ислохотлар натижасида аҳолининг ижтимоий аҳоли анча яхшиланди, одамларнинг онги ва менталитети ўзгармоқда. 2005 йилда бюджет соҳаси ҳодимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар ўртача 40 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари 22 фоизга кўпайди.

Хусусий мулкчиликни мустаҳкамлаш, кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари ташкил этилишини рағбатлантириш ҳисобига мамлакатда демократик жамиятнинг асоси ва таянчи сифатида ўрта синф реал шаклланди.

Шу билан бирга йирик корхоналарнинг давлат активларини сотиш жараёни суи суръатларда бормоқда. Давлат мулки кўмитаси ва унинг жойлардаги органлари фаолиятини, шунингдек «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси сингари бозорда монопол мақнаи эгаллаб турган кўплаб компаниялар объектларини хусусийлаштириш масалаларига ёндашувларни жиддий равишда қайта қўриб чиқиш талаб этилади.

Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари ва масъул тузилмалари фаолиятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш ҳамда аҳолининг бандлигини ошириш мақсадида потенциал инвесторларни жалб этишда сезиларли сиғишлар йўқ. Кўплаб йирик корхоналар ва тармоқларнинг молиявий аҳоли жиддий равишда яхшилашни талаб қилади.

Банкларнинг фаолияти хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорлик вақилларининг жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда. Банк тизимида пул-кредит сёсати баланслигини, шунингдек бозор ва монетар аргументлари бошқариш механизмининг таъминлашнинг замонавий воситаларидан етарли фойдаланилмапти.

Уй-жой-коммунал хўжалигида ислохотларни амалга оширишда ҳокимликлар масъулият даражасининг пастлиги сабабли жойларда коммунал хизматларнинг рақобатли бозори суи шакллантирилмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кўпчилиги ханузгача уй-жой фондини бошқаришга ва аҳолининг долзарб талабларини ўз вақтида ҳал этишга қодир бўлган уй-жой мулкдорларининг ҳақиқий бirlашмасига айлангани йўқ. Уй-жойларни таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича рақобат муҳити яратадиган коммунал ва таъмирлаш хизматлари бозори ханузгача ташкил этилмаган.

Энергия ресурслари, нефть маҳсулотлари ва газни тежашга доир ёндашувларни ва иш амалиётини тубдан қайта қўриб чиқиш зарур.

2. Қуйидагилар 2006 йилда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари этиб белгилансин:

бюджет ва солиқ ислохотларини янада чуқурлаштириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва бирхиллаштириш ҳамда солиқ юқини қисқартириш асосида иқтисодиётни барқарор юқори суръатлар билан ўстиришни, барқарор ва баланслаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш;

таркибий ислохотлар кўламлирини ҳамда иқтисодиётни модернизация қилишни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

хусусий мулк сектори кўламини кенгайтириш, бизнес учун қафолатларни мустаҳкамлаш ва қўлай муҳитни шакллантириш;

аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти сифатида иш билан бандлигини таъминлаш; экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта ресурсларини тежашни, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

уй-жой-коммунал хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти самарадорлигини ошириш, таъмирлаш ва коммунал хизматларнинг реал бозорини шакллантириш;

биринчи навбатда энергияни кўп талаб қиладиган тармоқларда — кимё, рангли металлургия, электр энергетикаси ва бошқа тармоқларда энергия ресурслари қаттиқ тежалишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кўн муддатда:

кенгайтирилган мажлисларда иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ақунларини танқидий таҳлил қилсинлар;

аниқ тармоқ, ишлаб чиқариш ва ҳудудга таъинланган иқтисодиётни янада ислох қилиш ва эркинлаштиришнинг 2006

йил учун белгиланган устувор йўналишлари амалга оширилишини таъминлайдиган зарур чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар.

Мажлис қарорининг мазкур банди бажарилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Марказий банк (Муллажонов), Молия вазирлиги (Азимов), тижорат банклари:

Адлия вазирлиги (Мустафоев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси (Саидова), Иқтисодиёт вазирлиги (Розуқулов) билан биргаликда икки ой муддатда «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

2006 йилнинг I чорағида кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун микрокредит бериш ва микролизинг хизматларининг кенг доирасини кўрсатадиган, барча минтақаларда филиаллари бўлган иқтисослаштирилган банк ташкил этиш тўғрисида бир ой муддатда тақлиф киритсинлар, унда имтиёзли кредит бериш шартларини ва берилган маблағлар қайтарилишини таъминлаш механизмининг назарда тутилсин;

биринчи навбатда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар олиш учун аҳолига кредит беришни жиддий равишда кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсинлар.

Бош вазир Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров) хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли - банклар миқозларининг уларга тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатишда, айниқса банкдаги ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ўз вақтида олишда уларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан таъсирчан назорат ўрнатсинлар.

5. Адлия вазирлиги (Мустафоев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси (Саидова), Савдо-саноат палатаси икки ой муддатда бизнесни юритиш учун рўйхатдан ўтказиш, лицензиялар ва рухсатномалар олишнинг мавжуд тизимини пухта хатловдан ўтказсинлар ҳамда:

берилбадиган лицензиялар ва рухсат берувчи тартиб-қоидалар ҳамда ҳужжатлар рўйхатини кескин қисқартириш; янги корхоналарни рўйхатга олиш ва бизнесни ташкил этишнинг хабардор қилиб қўйиш тизимига устун даражада ўтиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсинлар.

6. Ўлғовдордор хом ашёни разведка қилиш ва қазиб олишнинг тасдиқланган параметрлари бажарилиши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т.Султонов, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси раиси А.Азизов томонидан суи ташкил этилганлиги ва назорат қилинганлиги қайд этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т.Султонов, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (А.Азизов) Давлат геология кўмитаси (Ахмедов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Шайхов), Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Розуқулов) билан биргаликда ўлғовдордор хом ашё захиралари илдам ўсишини таъминлашга йўналтирилган геология-разведка ишларини жадал ва кўламли ўтказиш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2006 йилнинг биринчи ярим йиллиги ақунлари бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида юқорида кўрсатиб ўтилган раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилсин.

7. Иқтисодиёт вазирлиги (Голишев), Молия вазирлиги (Азимов), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси (Саидова), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлари ҳокимликлари Савдо-саноат палатаси билан биргаликда икки ой муддатда:

туманлар ва шаҳарлар бўйича саноатни ривожлантиришнинг аҳолини танқидий таҳлил қилсинлар ҳамда минтақа хусусиятларини ва аҳолини иш билан энг юқори даражада таъминлашни ҳисобга олган ҳолда янги ишлаб чиқаришларни, биринчи навбатда мослашувчан кичик ва ўрта корхоналар ташкил этишнинг 2010 йилгача мўлжалланган аниқ дастурларини ишлаб чиқсинлар;

ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг йирик корхоналарнинг филиалларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратсинлар, уларга имтиёзлар ва преференциялар, шу жумладан фойдаланилмаётган биноларни инвестиция мажбуриятлари эвазига текин берсинлар.

8. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Шайхов):

Адлия вазирлиги (Мустафоев) билан биргаликда янги қўшма корхоналар ташкил этишга, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилашга йўналтириладиган хорижий инвестицияларни янада кенг кўламда жалб этиш учун ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш юзасидан бир ой муддатда тақлифлар киритсин;

инвестициялар жалб этишнинг янги шаклларини амалиётга жорий қилишни кенгайтирсин, хорижий ишбилармон доираларни ва потенциал шерикларни иқтисодиётнинг айрим секторларидаги инвестиция имкониятлари тўғрисида кенг хабардор қилсин.

9. Давлат мулки кўмитаси раиси (Асқаров)га корхоналарни хусусийлаштириш ва хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлашнинг, қимматли қозғоларнинг иқтисодий бозорини ривожлантиришнинг, шунингдек хусусийлаштирилган корхоналарнинг корпоратив бошқарилининг, биринчи навбатда Қўзатувчи кенгашлар самарадорлигини амалда оширишнинг муҳим стратегик йўналишларини амалга ошириш юзасидан қўланган вазирлар бажарилишининг паст самарадорлиги кўрсатиб ўтилсин.

Бош вазир ўринбосари В.А.Голишев, Давлат мулки кўмитаси (Асқаров), Молия вазирлиги (Азимов) ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси (Саидова) икки ой муддатда 2006-2008 йилларда Хусусийлаштиришнинг янги дастурини ишлаб чиқсинлар ва киритсинлар, бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратсинлар:

стратегик аҳамиятга эга бўлмаган табиий монополиялар тармоқлари корхоналарини дастурга қиритиш;

инвестор томонидан аниқ инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда инвестиция мажбуриятлари эвазига текин беришга тасвия этилаётган корхоналар ва объектлар рўйхатини анча кенгайтириш;

биржа савдоларида ва биржадан ташқари савдоларда сотиш учун ҳар бир корхона ва объектнинг сотишдан олдин тайёрлаш тизимини қайта қўриб чиқиш ва янги самарали тизимни жорий этиш;

хусусийлаштиришдан кейинги мониторингинг амалга оширишга тизимли ёндашишни ишлаб чиқиш, янги мулкдорларнинг улар томонидан хусусийлаштирилган корхоналардаги ишларнинг аҳоли, ўз зиммасига қабул қилган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши учун иқтисодий жавобгарлигини ошириш;

холдинг ва акциядорлик компаниялари устав фондларидаги акцияларнинг давлат пакетлари улушини камайтириш.

10. Молия вазирлиги (Азимов), Давлат мулки кўмитаси (Асқаров), қимматли қозғолар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази (Юнусматов) икки ой муддатда яқин келажақда рақобатга бардошли фонд бозорини ривожлантиришни, биржа савдоларида акциялар ва объектларни сотишнинг ошқоралигини оширишни назарда тутувчи қимматли қозғолар бозорини, айниқса иқтисодий бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсинлар ва қўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

11. Иқтисодиёт вазирлиги (Розуқулов), Молия вазирлиги (Азимов), «Ерғодезказдастр» давлат кўмитаси (Абдуазизов), Давлат мулки кўмитаси (Асқаров), Адлия вазирлиги (Мустафоев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси (Саидова) бир ой муддатда:

инвесторларга — хусусий мулкдорларга бино ва иншоотларни улар жойлашган ер участкалари билан, уларга қатъий бозор ёндашувлари асосида нарх белгиланган ҳолда, хусусийлаштириш ҳуқуқини бериш ҳисобига хусусийлаштириш объектларини кенгайтириш имконияти тўғрисидаги:

белгиланган нормалар доирасида хусусий уй-жой қурилиш учун ер участкаларини хусусийлаштириш механизми тўғрисидаги тақлифларни қўриб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

12. Молия вазирлиги (Азимов), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси (Саидова) Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги (Мустафоев), бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2006 йил 1 апрелгача бўлган муддатда мавжуд аҳолини таҳлил қилсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига:

мулкнинг кадастр баҳоси бўйича, кўчмас мулк биржасида ва ким ошди савдоларида кўчмас мулкни сотишдаги воситачилик тўловлари бўйича, мулкка доир битишувларда давлат божлари ставкалари бўйича, ихтиролар ва фирма номлари учун патентлар олишга харажатлар бўйича қўрсатилмаган хизматларга хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини камайтириш;

тадбиркорлик субъектларига белгиланадиган жарима санкцияларини камайтиришни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ тақлифлар киритсинлар.

13. Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2006 йил 15 апрелгача маъмурий ислохотларни янада чуқурлаштириш, бошқарув тузилмаларининг бошқариш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш вақолатларини тубдан қисқартириш, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашшини ва уни регламентлашнинг янада қисқартириш масалаларини қўриб чиқсин ва улар юзасидан зарур қарорлар қабул қилсин.

14. Адлия вазирлиги (Мустафоев):

Ўзбекистон Республикаси Олий суди (Тошматов), Олий хўжалик суди (Ишметов) билан биргаликда тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган суд тизимини янада мустаҳкамлаш ва суд ислохотларини чуқурлаштириш бўйича бир ой муддатда тақлифлар киритсин;

жойлардаги адлия органларининг аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий онгини ошириш, амалий ташаббускорликни ривожлантириш, барқарор даромад ва иш билан доимий банд бўлиш манбаи сифатида ўз бизнесини ташкил этиш борасида яратилган ҳуқуқий шарт-шароитларни тушутириш бўйича ишларини фаоллаштирсин;

республика минтақаларида ҳокимликлар ва давлат бошқаруви органлари ҳодимлари учун тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларга берилган ҳуқуқ ва қафолатлар тизими тўғрисида тизимли асосда семинарлар ўтказсин;

республикада, энг аввало давлат бошқаруви органлари ва назорат қилувчи тузилмалар томонидан қонунлар ижросининг аҳоли тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва Сенатига ҳар йили ахборот тақдим этиш амалиётини жорий этсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари фермерларга улар етиштирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, биринчи навбатда чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кооперациянинг турли шакллари ихтиёрий асосда ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатсинлар, бунда уларни ташкил этишда мансабдор шахслар ноқонуний хатти-харажатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратсинлар.

16. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бир ой муддатда аҳолини иш билан таъминлаш даражасини оширишга, шу жумладан: янги микрофирмалар ташкил этишга, оилавий бизнес ва кичик, хусусий корхоналарни ривожлантиришга, микрокредитлаш тизимини рағбатлантиришга;

йирик саноат корхоналари билан кооперациялаган ҳолда касаначиликдан фойдаланишни кенгайтиришга; маҳаллий хом ашёни пухта қайта ишлашга ва тайёр, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган энгил ва озик-овқат қайта ишлаш саноатининг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини жадал ривожлантиришга;

2010 йилгача бўлган даврда, энг аввало қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга;

шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида моллар, энг аввало қорамоллар бош сонини кўпайтиришни рағбатлантиришга қаратилган дастурларнинг бажарилишини назорат қилишнинг аниқ чора-тадбирларини ва механизмни ишлаб чиқсинлар.

Кўрсатиб ўтилган дастурларнинг бажарилиши Вазирлар Маҳкамасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳар чоракда ўтказиладиган мажлисларида қўриб чиқилсин.

17. Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли кўмиталари ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларини иш билан банд бўлмаган аҳоли тоифасини тўлиқ ва ҳолисона белгилаш ва уларни жаҳон амалиётга мувофиқ ҳисобга олиш юзасидан такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрласин.

18. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Шайхов) бир ой муддатда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дав

лат кўмитаси (Саидова), Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ўтказилган амалдаги маъмурий, божхона, банк тартиб-қоидаларининг пухта таҳлили асосида кичик ва хусусий бизнес корхоналари маҳсулотларини экспорт қилиш учун барча тўсиқларни бартараф этиш тўғрисида аниқ тақлифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев икки ҳафта муддатда барча божхона тартиб-қоидаларини бошқаришнинг ошқоралигини, ички бозорни контрабанда йўли билан келтирилаётган маҳсулотлар кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлашни назарда тутадиган, тўғридан-тўғри амал қиладиган норматив ҳужжат сифатида янги тахрирдаги Божхона кодексини ишлаб чиқиш бўйича, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, махсус ишчи гуруҳ ташкил қилсин.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлариининг уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича ишлари қоникарсиз деб эътироф этилсин.

Бош вазир ўринбосари Н.М.Ханов, Иқтисодиёт вазирлиги (Шоабдурахмонов), Молия вазирлиги (Азимов), «Ўзком-мункизмат» агентлиги (Холмухамедов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда уй-жой мулкдорлари ширкатларини малакали ва ҳалол ишлайдиган мутахассислар билан мустаҳкамлаш, уларга белгиланган тартибда молиявий ёрдам бериш, монополизмни бартараф этиш ҳамда таъмирлаш ва коммунал хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсинлар ва қабул қилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлариининг ҳар чоракдаги ақуний мажлисларида туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг уй-жой мулкдорлари ширкатларига уй-жой фондидан фойдаланиш масалаларида амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ишларини танқидий баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда уларнинг ҳисоботларини эшитиш таъминлансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Мирзиёев), Иқтисодиёт вазирлиги (Тўлағанов) «Ўзбекнефтгаз» (Азизов), «Ўзбекэнерго» (Шоисматов) компаниялари, «Ўзком-мункизмат» агентлиги (Холмухамедов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда 2006-2010 йилларда энергия ресурсларидан тежамли фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқариш ва қабул қилсинлар, унда қуйидагиларни: нефть, газ, газ конденсати қазиб олиш, уларни ташил ва қайта ишлашнинг уларнинг исроф бўлишини ҳамда улардан ўз технология эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳажмларини анча камайтиришни, уларни қайта ишлашнинг пухталиги ва сифатини оширишни таъминлайдиган янги прогрессив технологияларни жорий этишни;

иқтисодиёт



Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Ўзбекистон Республикаси

Президенти стипендиатлари

НАРГИЗАНИНГ НУРАҲШОН ЙЎЛИ

ЁШЛИК ЗАВҚ-ШАВҚНИ, ГЎЗАЛЛИКНИ СЕВАДИ. ШУНДАЙ ТАЛАБАЛАР БОРКИ, УЛАР ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ, БИЛИМ ОЛИШ МАШАҚҚАТЛАРИ, ЎҚИБ, ЎРГАНИШ БЕДОРЛИКЛАРИДАН ДОИМО ИЛҲОМ ОЛАДИЛАР. ЯШАШНИНГ АСЛ МАЪНОСИНИ ЭСА ЭЗГУ ИШЛАРДА, ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАРДА ДЕБ БИЛАДИЛАР. ЗЕРО КЕЛАЖАК ДОНО, ИЛМИ, ИСТЕЪДОДЛИ, ИҚТИДОРЛИ АНА ШУНДАЙ ЁШЛАР ҚЎЛИДАДИР.

— Менинг энг улкан орзуим, — дейди биз билан суҳбатда Президент стипендияси совриндори Тошкент Ахборот технологиялари университети аспиранти Наргиза Кушакова, — ҳар томонлама чуқур билим олиб, она юртимга чин дилдан хизмат қилиш. Келажақда ўз билимим ва ақлимга суянган ҳолда янги-янги ғоялар асосида янгиликлар яратсам, дейман. Ҳозир техника асрида яшаймиз. Давлатимиз томонидан биз ёшларга ўқиб ўрганишимиз, етарлилик билим олишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шундай экан, бундай имкониятлардан унумли фойдаланиш, бизларнинг асосий вазифамизга кирилади. Президент стипендияси совриндори бўлиш катта бахт, олий шарафдир. Мен бу билан фахрланаман. Қўлаётган ишларим ва изланишларимга берилган юксак мукофотни қадрлаб, элимга, халқимга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қиламан...

Дарҳақиқат, куч — билим ва тафаккурда, ўзаро аҳиллик ва жипслиқдадир. Бу тушунчани келажагимиз ворисларининг ўзлари

онгли равишда англаб етишлари эса, она Ватанимизнинг порлоқ келажагидан нишондир.

Наргиза Кушакованинг ҳаёт йўли ҳам бошқа ёшларимизникига ўхшаш. У 1996 йили шахримиздаги 151-сонли ўрта мактабни аяло баҳоларга тугатиб, шу йили Тошкент электротехника алоқа институтига кириди. 2000 йилда ўқув юртини имтиёзли дипломга таътириб, институт магистратурасига қабул қилинади.

2002 йилда эса магистратурани ҳам имтиёзли дипломга тугатиб «Ўзтелеком» ДАЖ-га қарашли АТСда муҳандис бўлиб иш фаолиятини бошлади.

2003 йилнинг сентябрь ойида Тошкент Ахборот технологиялари университетининг «Телематика тизимлари» кафедрасига ассистент сифатида ишга қабул қилинади ва шу йилнинг ўзидаёқ мазкур университетнинг кундузги бўлим аспирантурасига ўқишга кириди.

Наргиза ўзининг тиришқоқлиги, тинмай билимга интилиш фаилати билан 2003



йилда CISCO Systems компанияси томонидан ўтказилган танловда қатнашиб ғолибликни қўлга киритади. Бунинг эвазига эса, компания томонидан ташкил этилган Минтақавий академияда телекоммуникация тармоқлари ва тармоқ ускуналари билан ишлаш бўйича малакасини оширди, жумладан, CCNA (Cisco Certified network Associate) курсларида қатнашиб, ҳам амалий, ҳам назарий билимларини бойитди.

Шунингдек, Наргиза «Телематика тизимлари» кафедрасида «Интернет технологиялар», «Прогрессив технологиялар асослари», «Хужжатли электр алоқа тармоқлари ва тизимлари» каби фанлардан талабаларга амалиёт дарсларини ўташ билан бирга мунтазам равишда илмий услубий анжуманларда ўз чиқишлари билан қатнашиб келмоқда.

Бугунги кунда эса, Тошкент Ахборот технологиялари университети аспирантурасининг иккинчи босқичини тугатиб, илмий изланишларини давом эттирмоқда. Унинг илмий иши «Замонавий телекоммуникация тармоқларини самарали ташкил этишда инфокоммуникация технологиялари таъсирини тадқиқ этиш» масалаларига бағишланган бўлиб, «Ассоциатив муҳит сифатида тақдим этилган телекоммуникация тармоқларининг ахборот модели» мавзусида номзодлик ишини ёқлади.

2005 йил ниятида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази томони-

дан Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар ўртасида Давлат стипендиясининг танлови ўтказилиб, Наргиза Кушакова «Ахборотлаштириш технологиялари ва бошқарув» йўналишининг ғолиби бўлди.

— Иқтидорли Наргизанинг меҳнатлари, изланишлари юқори баҳоланди, — дейди унинг илмий раҳбари «Телематика тизимлари» кафедрасининг доценти, техника фанлари номзоди Наргиза Усмонова. — У ҳар томонлама комилликка интилувчи инсон, самимий, меҳрибон, шунинг баробарида ориятли ва жуда изланувчандир. Бўш вақтларида ҳам хорижий тилларни ўрганади, мусиқа ва спорт машғулоти билан шугулланади. Умид қиламанки, Наргиза келажақда мамлакатимиз техника тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади....

Ҳа, ҳаёт курашлардан, изланиш ва интилишлардан иборат. Кимки эзгулик ва меҳнат йўлида тиним билмас, юксак манзилларни қўзлаб бахтли келажақ, нурафшон истиқбол сари дадил қадам ташлаверса у халқнинг олқишига, дуоси-ю, раҳматига сазовор бўлади. Биз ҳам ишонамизки Наргиза Кушакова келажақда эл меҳрини қозониб, Президент стипендианти деган номга муносиб бўлади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: Президент стипендияси совриндори Наргиза КУШАКОВА.

Наталья Семёнова олган сурат

Таълим

ЁШЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК КЛУБИ

“ЁШЛИК” ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИНИНГ ТУБ ТАЪМИРЛАНИШИ БУ ЕРДА ҚАТОР ЯНГИ МАДАНИЯТ МАРКАЗЛАРИНИ ОЧИШ УЧУН КЕНГ ЙЎЛ ОЧИБ БЕРДИ. “ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИНИНГ ЁШ ЭКОЛОГЛАР КЛУБИ” ҲАМ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ.

“Экосан” халқаро ташкилоти саъй-ҳаракати билан юзга келган бу клубга Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети ҳамда қатор академик лицей талабалари аъзо бўладилар.

Ёшларни экологик тарбия ва таълимга жалб этиш, шу йўналишдаги долзарб муаммоларни ҳал этишда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш билан шугулланадиган ушбу клуб томонидан “Экология ва саломатлик кунлари”ни ўтказиш тадбирлари ҳам ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, яшил бойликларга жиддий ёндошиш, экологик ҳашарлар ўтказиш борасида ҳам клуб кенг қўламда фаолият кўрсатади.

ЎҚУВ АДАБИЁТИ СИФАТИДА

ТОШКЕНТДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ, ЎҚУВ-МЕТОДИК КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуманда республикамиздаги давлат ўқув муассасаларида узлуksиз экологик таълимни такомиллаштириш бўйича янги қабул қилинган йўриқнома кўриб чиқилди.

Ушбу концепция Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти саъй-ҳаракатида пойтахтдаги қатор олий ўқув юртлири ҳамкорлигида ишлаб чиқилди.

“Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”ги Қонунларни амалга оширишда муҳим ҳужжат бўлиб қолган қиладиган бу йўриқнома ўз вақтида тайёрланганлиги кўрсатиб ўтилди. Ундан республикамиз олий ўқув юртлирида ўқув адабиёти сифатида фойдаланиш тавсия этилди.

КАФЕДРАДА ИЛМИЙ МАРКАЗ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН “ЭЛЕКТРОНИКА ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА” КАФЕДРАСИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА. КАФЕДРА НОЁБ АППАРАТ ВА АСБОБ-УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН ЛАБОРАТОРИЯЛАРГА ҲАМ ЭГА.

Физикавий ўлчов аппаратлари, оптикавий қурилмалар квант электроникаси йўналишида тадқиқотлар олиб боришда қўл келмоқда.

Айни вақтда рақамли ўлчов асбобларидан ҳам фойдаланилмоқда. “Микро ЭХМ” аппарати ҳам электрончиларга яқиндан ёрдам бермоқда.

Кафедра ҳузурида “Энергиянинг муқобил манбалари” ўқув-илмий марказининг ташкил топиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Бу ерда талабалар билан электр токи ва энергиянинг янги экологик ҳафсиз манбаларини ҳосил қилиш бўйича амалий машғулотлар олиб бориш йўлга қўйилди.

Акбар АЛИЕВ

Турфа олам

ХАЁТГА ҚАЙТИШ

Бельгиялик 33 ёшли Мишель Делепин оғир ҳас- таликдан сўнг вафот этди. Ушбу нохуш ҳол уй ши- фокори томонидан барча қоидаларга мувофиқ равиш- да қайд этилди. Аммо дафн борибсиздан чиқан хиз- матчи марҳумнинг танасини сўнгги йўлга ҳозирлаш учун синчиклаб кўздан кечирганидан сўнг, бахтли қангарки, Мишель ҳали ҳаёт деб маълум қилган. У бошқа докторни чақиритиш сўраган. Қувониб кетган ота-она барча замонавий диагностика приборлари бўлган мутахассисни таклиф қилишган. Афсуски, кар- диограф ҳам, энцефалограф ҳам тўғри чиқиқ чи- зиб, биринчи шифокор қўйган ташхисни тасдиқладди.

Кўнгилсиз маросимни адо этиш учун дафн бюро- сидан қайтадан чақирилган хизматчи Мишелни кўздан кечириб, яна бир бор, бу сафар шаҳар касалхонаси- да экспертиза ўтказилишини талаб қилди. Аппарат- лар бу сафар ҳам ҳаёт белгиларини қайд этмади. Аммо шифокорлар техникага ишонамай, гўёки нафас олмаётган миҳозни синчиклаб текширувдан ўтказди- лар. Ниҳоят улар Мишелнинг онда-сонда бўлса ҳам нафас олаётганлигини аниқлашди. Унга дарҳол сунъ- ий нафас олиш аппарати уланди. Орадан уч кун ўтгач, бечора Делепин тўла ўзига келди, тилга қайиб, ов- қат истеъмол қила бошлади. Бениҳоя қувониб кет- ган ота-она ўғилларининг ҳалоскорини қандай қилиб тақдирлашни билмас эди. Дафн идорасида хизмат қилувчи қайсар эса: бундай ҳол 40 йиллик фаолият- им мобайнида иккинчи бор учраш, деб жавоб бер- ган. Бир сафар у тўрт соат мобайнида қонуний ра- вишда «марҳум» ҳисобланган бир эркакни қутқариб қолган экан. Шофокорлар ҳозирча М.Делепин билан юз берган ҳодисани изохлашдан оҳир.

БИРИНЧИ МАРТА

Португалиянинг Корву ороли полицияси ўз тари- хда биринчи йўл-транспорт ҳодисасини қайд этди. Азор ороллари сирасига кирувчи мазкур оролнинг 300 нафар истикоматчисидан бири — 80 ёшли Жоау Франшишку Мендеш бу ерда яқиндагина пайдо бўлган ягона трактор гилдираги остида қолди.

Полиция протоколида кўрсатилишича, жабрланув- чи жиддий жароҳатланган. Кўнгилсиз ҳодиса сабаби ҳали аниқланган эмас. Трактордан бошқа атиги яна бир неча пичан ўриш машинаси ва мотоцикллар мав- жуд бўлган мазкур оролнинг барча йўллари поли- ция йўл белгиларини ўрнатишга қарор қилди.

СУЗУВЧИ

«АКТРИСАЛАР»

Япон олимлари Хинд океанида ғаройиб фильмни суратга олишга муваффақ бўлишди.

Улар тадқиқотчи Камор оролларида ўтказдилар. Суратга олиш ишлари 50 метр чуқурликда бажари- лди. Узунлиги 1,2 ва 1,4 метр, вази 60 ва 65 кило- грамм бўлган икки балиқ лента «қахрамонлари» бўлди. Ноёб кадрлар балиқларнинг 350 миллион йил- дан буён яшаб келаётган бу турига ҳозирча ҳозирча хис- латлар ва уларнинг қилиқлари ҳақида ҳикоя қилади.

ҚИЗЛАР — ХОНАДОН КЎРКИ, ҚУВОНЧИ ВА ЖОНИМИЗ МАЛҲАМИДИР. УЛАР БУЛОҚ СУВИДЕК ПОКИЗА, ГҮЛДЕК НОЗИК.БИЗ УЛАРГА ГАРД ҚЎНМАСИН, ДЕБ АСРАБ-АВАЙЛАЙМИЗ. БУГУНГИ КҮНДА ТУРМУШ БЎСАҒАСИДА ТУРГАН ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ ОДОБ-АХЛОҚИ, ТАРБИЯСИ, КЕЛГУСИДА БАХТЛИ -САОДАТЛИ ТУРМУШ КЕЧИРИШЛАРИ УЧУН НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ ЗАРУР.

Шулар хусусида биз педагогика фанлари доктори, профессор, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Қумри Абдуллаева билан суҳбатда бўлдик.

— Қумри опа, халқимизда «Қиз бола бировнинг ҳасми» деган ибора бежиз айтилмайди. Айтингчи, турмуш бўсағасида турган ўсмир қизлар қандай фазилатларга эга бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

— Гўзал хулқ ва одоб-ахлоқли қиз- ларимизни кўриб қўзлар қувонади, диллар яйрайди. Ҳаёли, ифбатли қиз- ларимиз ақли расоликлари билан но- мусини ҳар қандай нарсадан устун қўйиб, ўз-ўзини бошқара олади.Қиз- ларимизга хос бўлган сифатлар, хал- қимиз томонидан қадим-қадимдан эъзозланиб келаётган аъёналар, удулмур бизгача етиб келган ва улар келажақда ҳам тарбия воясигада ҳар бир ота-она учун дастурламалардир. Ҳақиқатан «Қиз бола бировнинг ҳас- ми» дейдилар. Чунки у бўйи етгач бо- шқа бир хонадонга келин бўлиб бо- ради. Ўша хонадонда бахтли турмуш кечириши учун ота-она қиз боланинг тарбиясига алоҳида эътиборли бўли- ши зарур. Аввало ҳар бир қиз со- глом бўлиб ўсиши, оилада яхши тар- бияланиши зарур. Муомала мадания- ти, лутф билан ўзбекона сўзлашга ўргатилиши тарбияда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек қизлари ҳушрўйликда тенги йўқдир... Албатта ҳар томонлама оқила, ҳаёли, одобли, шунингдек та- бийи гўзал, қийинчи маданиятини эгаллаган қизларни кўриб, ҳар бир она кўнглидан «Шу қизни келин қилсам», деган ширин ҳаёллар ўтади. Ташки кўриниш инсоннинг ички маданияти билан узвийдир. Қиз боланинг кўпин- ча қийинчишга қараб баҳо берадилар. Ярашганини қийишга одатланган қиз- лар ҳамиша барно кўринадилар. Кей- инги вақтларда айрим қизларимиз беҳаёлик қилиб, жуда очиқ қийина- диган одат қилардилар. Бунин улар- нинг ота-оналарининг хатоси деб ҳисоблайман. Қиз айланиб, кўчага чи- қаётганида нима учун уни тўхтатиб, одобга чақирилмайди. Қизларни итоат қилишга ўргатмаган ота-она кейинча- лик бу қизни бошқа хонадонга келин бўлиб борганидаги ҳолатини бир ўйлаб кўрса бўларди...

Мен, тез-тез қизлар даврасида бўлиб тураман. Шунда улар менга: —Замонавийлик нима? Бахтли бўлиш учун нималар қилиш керак? — деган сав- олллар билан муножаат қилишади.

Мусоҳаба

ҚИЗЛАР ТУРМУШ БЎСАҒАСИДА

— Азизим, лобарим, қизлар, — дей- ман уларга. — Инсонга хос бўлган бар- ча фазилатларни эгаллаш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, ҳушмуома- ла, ҳуштановзе бўлиш, ҳар қандай ша- роитда ҳам ақл-фаросат билан иш ту- тиш, ўқиш, ўрганиш, меҳнатсевар бўлиш, камтарин ва илтифотли бўлиш — бу замонавий қиздан талаб қили- надиган сифатлардир.

— Албатта ҳар бир қиз бола кел- гусида бахти бекам оила бекаси, оиланинг гўзал фариштаси бўлиш- ни орзу қилади. Ана шу бахтга эришишнинг сирини нимада? Қиз- лар бахт-саодат манзиллига етиш учун нималарга эътибор бериши зарур?

Яхши бўлсанг — тахту бахтинг қўлингда, Турфа гуллар унгай

— деб ёзган эди ёзувчи Мирзака- лон Исмоилий. Яхши қиз албатта яхши келин бўлиши табиий ҳол. Келинлик қиз бола ҳаётидаги энг бахтли ва масъ- улиятли давр. Дид билан дастурхон бе- заши, одоб ва тавозе билан чой қўйиб узатиши, ҳушмуомала бўлиши, меҳнат- севарлиги унинг оилада яхши тарбия кўрганлини билдиради. Шунингдек қай- нона-қайнота, эри ва оиланинг бошқа аъзоларини ҳурмат қилиши, шу оилга меҳр қўйиб, ўз уйидек кўриб яшаса, албатта бахтли турмуш кечириши шуб- ҳасиз. Келинлик даврини чироили ўткази- ш ҳар бир қизнинг ўзига боғлиқ. Ўсмир қизларни турмушга тайёрлаш муаммо эмас.Ҳар бир ота-она бунинг уddасидан чиқиши керак. Қиз бола ота-онаси билан бир умр бирга яша- майди. У бўйи етиб, бошқа хонадонга келин бўлиб кириб боришини билиши зарур. Қизлар учун келинлик либоси- ни қийиш катта бахт. Афсуски, ҳаётда янглишиб, келинлик либосини қия ол- май, армонда ўтган қизлар ҳам бор. Бу бир умрлик мусибат. Шунинг учун қиз бола ўзининг шаънини, қолаверса, оиласи, ота-онаси шаънини ҳамма нарсадан устун қўйиши, ҳаё ва ифбатини асрай билиши жуда муҳимдир. Зеро қиз бола-ҳаёси билан гўзалдир.

Бенумуллик, ҳаёсизлик қиз бахти- нинг заволи, ота-онанинг шўридир. Кўч-кўронин билан ота-она уйига қай- тиб келиш қанчалик хунук... Аввало ота -она қиз узатаётганида унинг сепини эмас, бахтини уйлаши керак. Қизнинг бахти молу дунё билан ўлчанмайди ҳеч қачон. Уни турмушга тайёрлаш ота-она- нинг бурни. Албатта турмуш бир те- кис, силлиқ ўтмайди. Ҳаёт «тўфонла- ри»ча учраш мумкин, уни сабру бар- дош билан енгиши керак. Бунин синов- ли дунё, дейдилар. Бахт-саодат ман- зилига етиш осон эмас албатта.

Келин бўлиб тушган қиз янги хо- надонда оила аъзоларининг қузату- вида бўлишини унутмаслиги керак, илк бор дастурхон тузаб, нонушта тайёрлаганда қизнинг нималарга қодир ва қобил эканлиги намоён бўла- ди. Айниқса келинчақ уйдаги майда гапларни кўчага олиб чиқмаслиги, ота- онасига фақат яхши хабарларни айти-

ши керак. Бундан ташқари келинчақ- нинг ҳомиладорлик даври тинч, осуда ўтиши шу оила муҳитига боғлиқ. Соғлом бола дунёга келиши учун ке- лин ва қолаверса шу хонадон аъзо- лари масъулдир. Яна шунин айтиш жо- изки, янги келин бўлиб тушган қиз ўқиш, иш, деб оиладаги тинчлиқни бузиши асло ярамайди. Аёл, яъни бе- калик, оналик масъулияти биринчи ўринда бўлиши керак. Оила тинчли- гини таъминлашда аёлининг роли му- ҳим аҳамият касб этади.

— Кўпчилигимизга маълумки, ҳозирги кунда баъзи аёллар, қиз- лар ҳам гап-ғаштаклар, зиёфатлар, тўйларда ёки тугилган кунларда, айримлари фарзандлари олдида бемалол спиртли ичимликлар ичиб, тамаки чекиб ўтиришлари оддий ҳолдек бўлиб қоляпти...

— Ҳақиқатан ҳам тобора урф бўлиб бораётган гап-ғаштак, тунги диско- текалар ҳаётимизни беэаъпти, деб айта олмаيمان. Кошки эди, гап-ғаш- такларда ақинлар, дугоналар бир- бирлари билан диюдорлашиб, яхши гаплардан гапириб ўтиришса... Аф- суски, баъзиларнинг ана шундай зиё- фатлар, гап-ғаштакларда спиртли ичимлик ичиб, тамаки чекиб, оғиз- ларидан боди кириб, шоди чиқиши ҳолларининг гувойи бўлганман. Бу не ҳол? Бизнинг буюк аجدдолари- миз орасида бундай аёллар бўлма- ган ахир. Қайси бир эркак оғиздан спиртли ичимлик ҳиди келиб,уйига гандирақлаб келган аёлини сева ола- ди? Фарзандлари-чи... Энг муҳими, оилада фарзандлар вояга етмоқда. Ахир «Қуш уясида кўрганини қила- ди» деган гап бор. Келажақда бун- дай аёлларнинг фарзандлари ким бўлиб етишади? Ахир онасини бу ҳолатда кўрган боланинг беғубор қалбига бир қулоқ тuting-а.

Аслида аёл зотини эъзозлаш, унга ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш Шарққа, ўзбек халқига хос оламжа- ноб хусусиятлардан биридир. Азиз, лобар қизлар, ҳурматли ота-она- лар, кекса бир педагог сифатида шуни таъкидламоқчиманки, Истик- лол туфайли мамлакатимизда хотин- қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ма- жкеини мустаҳкамлаш борасида дав- лат аҳамиятига молик тарихий иш- лар амалга оширилмоқда. Президен- тимизнинг қуйидаги сўзлари фик- римнинг исботидир. «Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳ- рибонлиги,қалби дарёлиги билан оиласида, қолаверса, бутун жами- ятдаги мувоzanатни, поклик, ҳалол- лик, самимийлик ва адолат муҳити- ни саклаб турибдилар».

Истардимки, аёлларга бўлган бу эҳтиром қадр-қиммат, эъзозга жавобан аёлларимиз, қизларимиз ҳам ўз шаъ- нига асло ғубор юқирмай, эл-юрт, қолаверса оиласида ҳамиша қадри ба- ланд бўлсин. Бахтли бекалик ҳамма қизларимизга насиб этсин.

Дилором ИКРМОВА
суҳбатлашди

БИР ЗУМ ЎЙЛАБ КЎРИНГ...

АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР! МЕҲНАТ ЖАРАЁНЛАРИ, ОИЛА ҚУВОНЧЛАРИ ОРАСИДА БАЪЗИ МУАММОЛАР ҲАМ ЮЗАГА ЧИҚИБ ҚОЛАДИ. БИЗЛАР ЭСА УЛАРНИНГ ИЛДИЗЛАРИНИ ТАШҚАРИДАН ИЗЛАЙМИЗ. АСЛИДА ЭСА, ЖУДА КЎП МУАММОЛАРНИНГ БИР УЧИ ЎЗИМИЗГА КЕЛИБ ТАҚАЛАДИ.

Яхшиси келинг ўзимиз, оиламиз, фарзандларимиз, қолаверса, истикомат қила- ётган маҳалламиз ҳақида бир зум бўлса ҳам ўйлайлик. Балки бу ўйларимиз, шун- чак бўлиб қолмас, кўпдан бери тинчлик бермаётган бирор саволимизга ёки ҳаётимизда бурилиш ясовчи жавоб бўлар. Агар шундай бўлиб қолса бизга хат ёзинг, энг яхши жавобларни газе- таимизнинг кейинги саҳифа- сида эълон қиламиз.

ЭР-ХОТИННИНГ УРИШИ

1.Эрингизнинг яқинлари- нинг яхши кунларига қандай совға ҳозирлайсиз? Ўзингиз- нинг яқинларингизга-чи?

2.Эрингизнинг бирор так- лифи сизга ёқмади. Қандай рад этасиз?

3.Шахсий харажатларин- ги ҳақида эрингизга ҳисоб берасизми? Эрингиз-чи?

4.Турмуш ўртоғингиз то- монидан дилнингиз изтироб- га тушди, қалбингиз жаро- хатланди, ўзингизни қандай овутасиз?

ФАРЗАНДИНГИЗ КАМОЛОТ ЁШИДА

1.Ўн олти яшар қизингиз-

нинг илк бор учрашувга чиқ- қанини сезиб қолдингиз, нима қиласиз, ўзингизни қан- дай тутасиз?

2.Ўғлингизнинг ёлгон га- пираётганини билдингиз, у билан қандай гаплашасиз?

3.Фарзандингиз сиздан бесўроқ жамғармангиздаги пулдан олди. Сиз қандай йўл тутасиз?

4.Гоҳо ўзингизни улар- нинг олдида гуноҳқордай сезсангиз ёки қаттиқ ранжит- сангиз айбингизни қандай ювасиз?

МАҲАЛЛАМ — ОБОД МАСКАНИМ

1.Яшаётган маҳаллангиз номининг тарихини биласиз- ми?

2.Хотин-қизлар комиссия- си раисини танийсизми? Унинг олиб бораётган иш- лари сизни қониқтирадими?

3.Болалар учун спорт майдончалари, ўйингоҳлар мавжудми?

4.Замонга мос қандай ўзгаришлар бўлишини ис- тайсиз? Унда ўз иштирокин- гизни қандай тасаввур қила- сиз.

Гули ЧЕХРА

Зеболик

ДОИМО ГЎЗАЛ БЎЛИНГ

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРТАНДО
ДОНО БУЛАР...МАШРИҚЗАМИН —
ҲИҚМАТ БЎСТОНИМеҳмонни эшиккача кузатиб қўйиш суннатдир.
КОШИФИЙҲар ким одоб сурмасидан тортса ҳаё кўзига,
Мақсад келинин кўраб қаршида беҳижоб.

Подшо кўз қири билан унинг ҳолатини кузатиб турар эди. Бу сафар узукни унинг олдида ташлади. Бола эса узукни ердан кўтариб олиб, чангини арди-да, бир ўлиб, одоб ва ҳаё юзасидан секин-секин юриб келиб, икки қўллаб подшога узатди. Подшога унинг одоб ва ҳаёсининг чиройлилиги ёқиб келди:

Одоб ўз эгасин бир кун еткизар
Иззату обрўга ва саодатга.Одобнинг боғидан терса ҳар ким гул,
Ҳаёти тўлади хуш тароватга.Одобли кишилар топар яхшилик,
Беодоб нишондир, бил, маломатта!

Подшо болаларнинг ҳар бирига инъом ҳада қилди. Сўнг ходимлардан бирига қараб деди: «Мана бу боланинг ота-онасини топиб рози қил, болани бизга берсин, тарбиялашга арзийдиган бола экан».

Ота болани кичиклигидан бебеш қилиб қўйса,
Болада гуноҳ йўқ, барча жафо отада.Ўғил-қизга билим, хунар ўргатиш керак,
Токи бу хунарлар билан феъл-атвори гўзал бўлсин.Кимнинг хулқ-атвори, феъли яхши бўлса,
У тилагини топади, ою кун унга қулиб боқади.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Одоб, бу ёмон сўздан ва ёмон ишдан ўзини тиймоқдир ҳамда ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам иззатини сақлаб, обрўсини тўқмаслиқдир.

Ёшлиқда заҳмат чекиб, илм ўргансанг, касб-хунар эгалласанг, қариганда роҳат топасан.

КОШИФИЙ

Яхши ишлов берилмаган ердан яхши ҳосил унмайди.
«ОТАЛАР СЎЗИ»

Музыка фани шу маънода фойдалики, кимнинг феъл-атвори мувоzanатини йўқотган бўлса, уни тартибга келтиради.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,
Ўлим келиб тутмагунча ўзгармайди.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Одамга яхши қилиқдур биҳишт,
Етти тамутдин баттар, ул ҳўи зишт.

Ҳайдар ХОРАЗМИЙ

Не хуш хислат эрур ахлоқи неку,
Неки қилдинг келур олдинга ўтру.Муруват пеша қилким, ҳайи сонёе,
Етургай қилмайин ажрингни зоее.

ТОЛИБИЙ

Кишини ёмон дема (ғийбат қилма).

Кўрққонинг олдида ҳақ сўзини айтма.

Ўзингни шубҳадан йироқ тут.

Мунофиқликнинг белгиси учтадир: ёлгон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.

Муҳаммад Сиддиқ РУШДИЙ

Кимки ғайридинни ҳақорат қилса, қиёмат кунини ўтдан ясалган қамчи билан урилади.

ҲАДИС

ОЛИМ, ИЛМ, КИТОБ, ҚАЛАМ, УСТОЗ, КАСБ-ХУНАР, ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАР ҲАҚИДА

Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарилган иши ва ҳалол саводидир.

ҲАДИС

Илм ўқуб қилмаган амал мақбул,
Дона сочиб кўтармади мақбул.

НАВОИЙ

Ер юзи бир дашту сахро бўлса, гулзори илм,
Саҳнаи оламини бўлмоқда намудори илм.Илму фан бирла қуролланмоқда сардори илм,
Илм ўқи, ҳеч бир жонга еткурмайди озор илм.

ОРАЗИЙ

Олим киши сўзидан олгил ўғит,
Яхши сўзлар тасири дилга сингар.Олим кишини эзгу тутиб сўзин эшит,
Хунарини ўрганибон амал қилгил.

Маҳмуд КОШГАРИЙ

Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидурлар.

Эмиш ҳар элга қадри илм бало,
Ула илм мақоми баски боло,Кишиким илму фандин бохабардур,
Ҳалойиққа мўтабардур.Тирикликда кишиким қилса ҳар кор,
Анинг осонлиғина илм даркор.

Абдулла АВЛОНИЙ

Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарздор.

ҲАДИС

Жаҳон равшан зийи илмдандур,
Кўнгил софи сафойи илмдандур.

Анбар ОТИН

Кимда бўлса донишу, ақлу, тамиз,
Илм ила ҳилм аҳлини тутган азиз.Сен хатолардан ўзингни тут узок,
Эй ўғил! Оқил эсанг солгил кулоқ!

Фариддин АТТОР

Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.

НАВОИЙ

Эй ўғил! Қайси фан бўлмасин, то уни мукамал эгалламагунгача ҳаракатни тўтатма, бир илм иккинчи илмни эгаллашга ёрдам беради. Бир илмни эгаллашга ақлинг йўл бердим, уни охиригача эгалламай туриб, чала ташлаб кетма!

Абдибек ШЕРОЗИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ
тайёрлашган

МАКТАБДА БАДИИЙ КЕЧА

ҲАР ЙИЛИ ФЕВРАЛЬ ОЙИ
ЎЗБЕК ХАЛҚИ УЧУН ТОМ
МАЪНОДАГИ БАЙРАМЛАР
ОЙИГА АЙЛанади. ЧУНКИ БУ
ОЙДА МИЛЛАТИМИЗНИНГ ИККИ
БҮЮК ФАРЗАНДИ ҲАЗРАТ
НИЗОМИДДИН МИР АЛИШЕР
НАВОИЙ ВА ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР ДУНЁГА
КЕЛГАН.

Улар яшаб ўтган давр билан бизнинг яшаб турган давримиз орасида беш-олти асрлик масофа бўлишига қарамадан, ўзбекининг ҳар икки даҳо фарзанди ҳамон миллатимизнинг шон-шарафи, маънавият ва маърифатининг сарбаланд устун, энг асосийси, ўз даҳолари билан нафақат ўзбек халқини балки, бутун жаҳон афкор оммасини ҳайратга солиб келаятган сўнмас юлдузларидир.

Тўғрисики тан олиб айтиш керак, бир пайтлар юртдошларимиз на Ҳазрат Навоий, на Заҳириддин Бобур таваллуд топан кунни ҳозиргидек байрам сифатида нишонлай олмади. Бугун, Мустақиллик берган имкониятлар туфайли, қолаверса, Ўртбошимизнинг шахсан ташаббуслари билан қадим қадриятлар тикланиб, ўзбек халқига қайтарилган бир даврда эса бу одатий ҳолга айланди.

Ҳар йили бўлгани каби бу йил ҳам 9 ва 14 февраль кунлари мамлакатимиз бўйлаб катта байрамга айланди. Жумладан, Ҳамза туманидаги 215-мактаб жамоаси ҳам бу жараёндан четда тургани йўқ.

Дастлаб мактаб ўқитувчилар жамоаси ва 700 нафардан ошқ ўқувчилар, шунингдек, бир гуруҳ адабиётшунос олим-у шоирлар мактабнинг мажлислар залига йиғилишди. Шу кун мактабда Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий таваллудига бағишлаб, "Ҳазал мулкининг султони" номи билан ўтказилган адабий-бадий кечада мактаб ўқувчилари Алишер Навоий ғазалларидан намуналар ўқидилар. Шунингдек, юқори синф ўқувчилари томонидан тайёрланган "Навоий ва Гули" монологи тўпланганларнинг таҳсинига сазовор бўлди.

14 февраль кунини эса мактаб жамоаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб, "Ҳар кимки вафо қилса..." номли адабий-бадий кеча ўтказди. Ушбу тадбирда ҳам соҳа вакиллари, шунингдек, туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими ходимлари иштирок этишди. Кечада мактаб ўқувчилари Бобур ғазалларидан намуналар айтишди ва "Бобурнома" асаридан парчалар ижро этишди. Юқори синф ўқувчилари ижро этган "Бобур ва Ҳумоно" монологи тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Шоҳида АБДУЛАЗИЗОВА

Футбол

РЕЙТИНГ
НАТИЖАЛАРИ

ХАЛҚАРО ФУТБОЛ
ТАРИХИ ВА
СТАТИСТИКАСИ (IFFHS)
ФЕВРАЛЬ ОЙИ УЧУН
КЛУБЛАРИНИНГ
РЕЙТИНГ
НАТИЖАЛАРИНИ
ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Шуниси қувонарлики, жаҳоннинг энг кучли 350 та клублари орасида мамлакатимиз чемпиони "Пахтакор" ҳамда етакчи жамоаларимиздан бири "Нефчи" номлари ҳам кўзга ташланади. Яъни рейтинг натижаларига кўра "Пахтакор" 197-поғонани банд этган бўлса, фарғоналикларга 339-ўрин лойиқ қўрилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



Ўз куч ва маҳоратини ёшларга хос жўшқинлик билан кўрсатиб галаба қозониш иштиёқи деярли ҳар бир иштирокчига хос бўлди, дея биринчилик бахсларини тавсифласак адашмаймиз. Мураббийлар эса ринг ортида туриб, шогирдларини галаба сари руҳлантириб турдилар.

Айниқса, 74,80 ва 86 килограммгача вазнлардаги бахслар кескин ва муросасизлиги билан ажралиб турди. Ушбу вазнлардаги учрашуларда чарм

Диққат, назорат!

ҲУРМАТЛИ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ
СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ
ҲАМДА ТАДБИРКОРЛАР!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида "Ишонч телефони" фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ—3665 сонли "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси вакиллари ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг қоронганеизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансанеиз, комиссиянинг ишчи органига ёки Жамоатчилик кенгаши аъзоларига қўйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ҳудудий комиссия ишчи органи — 55-67-42, 55-19-73.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари:

С.Ҳасимов, Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси раиси — 150-31-03.

П.Свишников, "ПГС" хусусий қорхонаси директори — 79-38-54.

А.Мелкумов, "Совластимал" қўшма қорхонаси бош директори — 76-53-33.

А.Сафарова, "Акватех" қорхонаси директори — 117-51-15.

А.Ақромов, "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарининг бош муҳаррири — 133-29-33, 133-21-56.

Б.Қосимов, Тошкент шаҳар "Маҳалла" жамғармаси раиси ўринбосари — 133-02-46

С.Сим, "Бизнинг технология" қўшма қорхонаси директори — 152-31-12.

А.Самойлов, "Green World" қўшма қорхонаси директори — 90-15-65.

Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳуқуқ бўлими — 150-31-04.

Бокс

ЎСМИРЛАР КҮЧ СИНАШДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ 8-БОКС МАКТАБИ СПОРТ ЗАЛИДА ТҮРТ КҮН ДАВОМИДА "ЖОКЕЙ", "ЛОКОМОТИВ", МХСК, 8-БОКС МАКТАБИ, "ЁШЛИК", ЖАР, "ДИНАМО" СПОРТ КЛУБЛАРИ ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ БОКС МАКТАБИНИНГ ЖАМИ 131 НАФАР ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ — 1989-1991-ЙИЛЛАРДА ТУГИЛГАН ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА 14 ТА ВАЗН ТОИФАСИДА БОКС БҮЙИЧА ПОЙТАХТ БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

қўлқоп усталари рақибни оралиқ масофада ушлаш, ўз кучларини жамлай олиш ва рақибни зарбасидан усталик билан ҳимояланиш хислатларини намоён этишди.

Финал беллашувларидан сўнг эса қўйидаги умидли ўсмирлар ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди: 44 килограммгача бўлган энгил вазнда "Динамо" вакили У.Зойтов, кейинги вазн тоифасида 8-бокс мактабидан К.Жонов, 48 килограммгача ўртасида Х.Қосимов ("Динамо"), 50 килограммгача боксчилар беллашувида факат бир бор МХСК вакили Э.Холмиров зафар кучишга муваффақ бўлди.

Қолган вазнларда эса касаба уюшмалари спорт мактаби тарбияланувчилари Л.Боймуродов, С.Кенжаев, Х.Эргашев, Ж.Абдуқаюмов, 8-бокс мактабидан М.Мўйинов, С.Риҳсиев, У.Обидов, "Динамо"дан Д.Ақромов, "Жокей" клубидан Д.Ақромовлар шаҳар чемпионлари бўлишди.

Шаҳар бокс федерацияси томонидан ташкил этилган пойтахт биринчилиги мусобақасининг барча ғолиб ва совриндорлари дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТДА: биринчилик бахсларидан лаҳва.
Алексей Попов олган сурат

Мунажжим башорати

ГУЛ ОЧИЛИШИ —
ЯХШИЛИК АЛОМАТИ

15 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА
ҚАТОР МУНАЖЖИМЛАР ФИКРИГА КЎРА, БУГУН
НОМУКАММАЛЛИК, ЁМОНЛИКЛАР, ХАРАКТЕР
БЎШЛИГИ НАМОЁН БЎЛАДАГАН КҮНЛАРДАН БИРИ
ЭКАН. ЎЗ ЗАҲРИНИ ЎЗИ ЕНГИШ ОРҚАЛИ ИНСОН
ЎЗИНИ ПОКЛАМОҒИ КЕРАК. ИШДА ХУШЁРЛИК,
ЭҲТИЁТКОРЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

Шу кунни сизни яхши биладиган шерикларингиз ва дўстларингиз сизни тўғри қарорлар қабул қилишга йўналтиришар экан. Сиз эса, ўзингизни ҳали тайёр эмасдир, белгиланган ишнинг уddасидан чиқолмайдигандай ҳис этасиз. Беҳудуга ўзингизни қўйнаманг. Зеро, ҳаммамиз ҳам у ёки бу даражада ёрдамга муҳтож бўламиз, шу ёрдам келганида эса — ундан қочишга интиламиз. Бу тўғри эмас.

Мас келмайдиган нарсаларни мос келтиришга, қийёслаб бўлмайдиган нарсаларни қийёслашга уриниш Ой сайёрасининг Тарозу буржиди бўлиши билан изоҳланади. Бу ҳайат қалбларини осойишталикка, уйғунлик ва босқичликка ундайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бугун оилавий байрамлар уюштириш, таъмирлаш ишлари, рўзгор юмушларини бажариш энг ёқимли машғулотлар бўлади, дейиш мумкин. Бугун кўп ухлаб бўлмайди: акс ҳолда хоргин ва касал одамга ўшаб тўрасиз.

Бугун уйингизда хонаки гул очилиши — яхшилик аломати — бу қувонч ва омад элчиси дейиш мумкин. Майда-чўдаларни йўқотишингиз турли кўнгилсизликлардан халос бўлишингизни билдиради. Қўндагу тўшқин қолган пулни, буюмни, қимматбаҳо тошни — уни зинҳор ола кўрманг: ўзгалар юки, муаммоларини ўз елкангизга олган бўласиз.

Ёркин, аниқ-тиниқ тушлар башоратли ҳисобланади. Бошингизни шимол томонга қаратиб қўйиб ётиб ухлашга ҳаракат қилинг.

Кўпгина эски оғриқлар, сурункали хасталиклар бугун ўзини эслатиши мумкин. Бугунги кун ҳаммом қилиш, укалатиш, терини даволаш учун энг қулай кунлардан ҳисобланади. Буйракларингизни эҳтиёт қилинг.

Оқ, юлғун ва сарик рангли либослар бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади. Кўк, сиёҳранг ва жигарранг кийимларингизни жавонингизнинг нариги чеккасига суриб қўйинг.

ҲАДИС

Жаҳон равшан зийи илмдандур,
Кўнгил софи сафойи илмдандур.

Анбар ОТИН

Кимда бўлса донишу, ақлу, тамиз,
Илм ила ҳилм аҳлини тутган азиз.Сен хатолардан ўзингни тут узок,
Эй ўғил! Оқил эсанг солгил кулоқ!

Фариддин АТТОР

Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.

НАВОИЙ

Эй ўғил! Қайси фан бўлмасин, то уни мукамал эгалламагунгача ҳаракатни тўтатма, бир илм иккинчи илмни эгаллашга ёрдам беради. Бир илмни эгаллашга ақлинг йўл бердим, уни охиригача эгалламай туриб, чала ташлаб кетма!

Абдибек ШЕРОЗИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ
тайёрлашган

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА
ЮРТИМИЗДА ЎСИБ
КЕЛАЁТГАН ЁШ
АВЛОДИНИНГ ЖИСМОНАН
БАҚУВВАТ БЎЛИБ ВОҒГА
ЕТИШИ, СОҒЛОМ ТУРМУШ
ТАРЗИНИ КЕНГ ТАРҒИБ
ҚИЛИШ БҮЙИЧА КЕНГ
КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА
ОШИРИЛМОҚДА.

Хусусан Юртбошимиз ташаббуслари билан ташкил этилган болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилаётган ишларга бир назар ташласак фикримиз исботини топгандек бўламиз.

Кунини кеча Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан ўтган Сихат-саломатлик йилида амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва 2006 йил режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Айтиб ўтиш жоизки бугунги кунда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тизимида 307 та умумтаълим мактаблари, 10 та махсус мактаб, 9 та мактаб-интернат, 497 та мактабгача таълим муассасалари, 20 та ўқувчилар ижодиёти марказлари, 25 та БЎСМ, 4 та БҲЖТК ва 5 та оммавий сўзишга ўргатиш сув ҳавзалари фаолият юритмоқда.

Ушбу муассасаларда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг ижобий натижаси ўлароқ умумтаълим мактабларининг 1-2-синфларида ўқийётган 341525 нафар ўқувчилардан 331588 нафари жисмоний

Болалар спорти

ВАЗИРАЛАР
БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

тарбия фани дарсларида спорт билан шуғулланиш, шулардан 140627 нафари дарсдан ташқари мунтазам спорт тўғралакларига жалб этилган.

Анжуманга йиғилган «Қамолот» ЁИХ, «Маҳалла» жамғармаси вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари Болалар спорти жамғармаси ташкил топан кундан бошлаб ҳозирга қадар қанча ўқувчи-ёшлар мунтазам спорт билан шуғулланаётгани, амалга оширилган ишлар ҳақида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали бош мутахассиси Мурод Тоштемировнинг ҳисоботини тингладилар.

Айтиш жоизки, шаҳримизда 2003-2005 йилларда 11 та болалар спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилган. Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган болалар спорт мажмуаларида жами 154 та спорт секциялари ташкил этилган бўлиб, уларга 4786 нафар ўқувчи-ёшлар жалб этилган. Мавжуд 117 та ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва лицейларда таҳсил олаётган 99112 нафар талабалардан 64521 нафари мунтазам спорт секцияларига жалб этилган. 2004-2009 йилларга мўлжалланган мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида спорт залига эга бўлмаган 20 та умумтаъ-

лим мактабларининг учтасида янги спорт заллари фойдаланишга топширилган. Ўтган Сихат-саломатлик йилида Учтепа туманининг 13-М.Улуғбек туманининг Югнакий, Шайхонтоҳур туманининг Белтепа мавзелирида замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган спорт мажмуалари фойдаланишга топширилди ва мавжудларидан 6таси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, босқичма-босқич спорт жихозлари билан таъминланди. Бу мақсад учун жамғарма томонидан 7304 5663 сўм миқдоридидаги маблағ сарфланган.

Шунингдек тадбирда сўз олган «Намуна», «Истиклол», «Югнакий» спорт комплекслари раҳбарлари мамлакатимизда спортга бўлган қизиқиш, эътиборнинг ортиб бораётганини таъкидлаган ҳолда, айниқса қиз болаларнинг спорт билан шуғулланишларига янада кўпроқ шарт-шароитлар яратилиши лозимлигига тўхталиб ўтдилар.

Тадбирда Ҳомийлар ва шифокорлар йилида қилинадиган ишлар, ёшларнинг спортга кенг жалб қилиш борасидаги тақдир ва таъсиялар ҳам қўриб чиқилди.

Журналистлар, мутасадди ташкилот вакиллари ўзларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан тўлиқ маълумот олдилар.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошкент Давлат цирки 2006 йил 10 февралдан бошлаб Тошкент цирки манежида

«ЙИРТҚИЧЛАР А